

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
Филология факултети ўзбек тили йўналиши 401-гуруҳ талабаси
Хуснора Турсунованинг

ЭРМАМАТ НУРМАТОВ ШЕЪРИЯТИДА ПАРЕМИОЛОГИК
БИРЛИКЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШ ЎРИНЛАРИ
мавзусида тайёрлаган

РЕФЕРАТИ

**MAVZU: ЭРМАМАТ НУРМАТОВ ШЕЪРИЯТИДА ПАРЕМИОЛОГИК
БИРЛИКЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШ ЎРИНЛАРИ**

REJA:

1.1. ШОИРНИНГ ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МАҲОРАТИ

**1.2. ЭРМАМАТ НУРМАТОВ ШЕЪРИЯТИДА ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ
АҲАМИЯТИ**

ЭРМАМАТ НУРМАТОВНИНГ СЎЗ ҚЎЛЛАШ МАҲОРАТИ

**2.1. –СИМОН ҚЎШИМЧАЛИ СЎЗЛАРНИНГ СЕМАНТИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**2.2. ЭРМАМАТ НУРМАТОВНИНГ ТАСВИРИЙ ИФОДА ЯРАТИШ
МАҲОРАТИ**

**2.3. ЭРМАМАТ НУРМАТОВ ШЕЪРИЯТИДА ХАЛҚОНА БЎЁҚҚА ЭГА
СЎЗЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ**

ШОИР ШЕЪРЛАРИНИНГ СИНТАКТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

**3.1. ЭРМАМАТ НУРМАТОВНИНГ УНДАЛМАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ
МАҲОРАТИ**

1.1. ШОИРНИНГ ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МАҲОРАТИ

Шеърят майдонида ҳар бир шоир ўзининг бетакрор усули билан бўй кўрсатади. Жумладан, шоир Эрмадат Нурматов шеърятда ҳам ана шундай жиҳатни кўрамиз. Шоир илҳом селидан қуйилаётган мисраларини халқ мақоллари билан бойитишга ҳаракат қилган. Халқ оғзаки ижодининг сермаъно жанри – мақолларни шеър вазни қолипига ва мазмун мундарижасига солиш ижодкордан лисоний ҳамда бадиий маҳоратни талаб қилади. Қуйидаги мусаддасга эътибор берсак:

*Валек гуллар аросинда гаҳи бўй кўрсатар хорлар,
Надир шохлар, юрар баргда ҳамон тулкидек айёрлар,
Ўроқда йўқ, машоқда йўқ, тўкин хирмонда тайёрлар,¹
Давр сурса вафо билмас, асл касби жафокорлар, ...*

Банднинг биринчи мисрасида шоир хор, яъни ҳақир, бечора, бадбахт² маъносидаги сифатни отлаштириб, тўғрироғи тикон маъносида қўллаб, гул билан контекстуал антонимлик ҳосил қилади ҳамда бу орқали азалий эзгулик ва ёвузлик тасвирини чизади. Иккинчи мисрада эса муаллиф “шоҳида эмас баргида юрмоқ” ибораси орқали айёр кишиларнинг образли ифодасини яратган. Бу орқали айтилаётган фикр янада лўндалик касб этган ҳамда банднинг марказий мазмуни аёнлашган. Аввалдаги бу икки мисра мусаддасда қўлланган мақолнинг мазмунини англашда муҳим ўрин тутди. Мақол эса учта содда гапдан иборат мураккаб қўшма гап шаклида. Бир умумий *кимлар?* сўроғига жавоб бўлиб, эга вазифасида келмоқда. Аслида “Ўроқда йўқ, машоқда йўқ, тўкин хирмонда тайёр” одамлар назарда тутилмоқда. Вазн талаби билан сўнгги содда гап таркибидаги ўрин ҳоли *тўкин* сифати билан ифодаланган аниқловчини қабул қилса, қофияни сақлаш учун мақолда мавжуд бўлган *ҳозир* сифати ўрнида унга синоним бўлган *тайёр* лексемаси қўлланмоқда.

¹ Нурматов Э. Девон. – Наманган, 1999. – Б. 69

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 4-ж., 412-б.

Узоқ йиллар давомида халқ хотирасида сақланиб қолган мақолларни ёзма адабиёт, хусусан, шеърятга олиб кириш шоирдан бир қанча ана шундай ўзгаришларни талаб қилди. Чунончи, яна бундай ўзгаришлардан салмоқлиси инверсиядир. Мақол таркибидаги гап бўлакларининг тартиби ўзгарса-да, бу маъно таъсирчанлигини оширишга хизмат қилади. Тинмай ҳаётни, одамларни мушоҳада қилишга уринган шоирнинг қуйидаги мисраларида бунга гувоҳ бўламиз:

*Тенг эмас беш қўл, ахир, турмуш ўзи турфа азал,
Бутми иймонинг, болам, деган сўрогингдир азиз.* (27-бет)

Шоир учун иймон бутлиги – инсонийлик белгиси. Ижодкор шунинг учун иймонни одамларнинг жамиятдаги ўрнини баҳолаш мезони деб ҳисоблайди.

Мақолда кесимнинг гап бошида келиши ўзгарган тартибни юзага келтирган ва бу кесимга берилаётган урғуни, таъкидни кучайтирган. Худди шундай ифодани қуйидаги мустазод сўнгида қўлланган мақолда ҳам учратамиз:

*Олтин эрур сабр таги, эй Эрмуҳаммад,
келгай ситамгар,
Қалбда, ахир, севгиси ардоқлана қолди,
ёди – туморим!* (64-бет)

Инверсияга учраган мақолда ундалманинг ҳам қўлланилиши нутқ таъсирчанлигини янада оширган.

Шоирнинг мақоллардан фойдаланиш маҳорати шундаки, бир мақолни турли кўринишларда қўллай олади. Бу билан шоир такрорийликдан қочади. Масалан, юқоридаги мақолни тубандаги тарзда ҳам учратамиз:

*Қаноат тагини олтин атайсан
Шубҳага қиласан эътироз, элим.*³ (“Элим”)

Яна шоир шеърятида шундай ўринларга дуч келамизки, ижодкорнинг фикрлари мақолларга ишора қилиб туради. Бунда айнан мақол қўлланилмайди. Буни Эрмамат Нурматовнинг кўп ардоқлаган, суйган инсони – Наманган адабий

³ Нурматов Э. Оқ ва қора. – Наманган, 2004. – Б. 4.

муҳитида ўчмас из қолдирган шоир Ҳабиб Саъдуллага қилган мурожаати орқали кўришимиз мумкин:

Яхшиликдан боз яратдик, бозки бағри ям-яшил,

Унга ногоҳ изғиринлар қилмасин наззора, дўст.

Байтнинг аввалги мисрасидан “*Яхшидан боз қолади, ёмонда – доғ*” мақолига қилинган нозик ишорани сезиш қийин эмас.

Шоир Эрмадат Нурматов ижодида мақолларни бутун бир банд миқёсида қўлланганлигини ҳам учратамиз. Бунда мақолнинг семантик жиҳатдан қиммати ортади, ўзининг дидактик функциясини кенгроқ бажаради. Масалан,

Қўлни ханжар тилса тузалар аста,

Аста куч йўқотар чаён заҳари...

Аммо ҳурмат қилган кишинг, ноҳақдан –

Озор берса, битмас дил яралари!⁴ (“Тикон ва гул”)

Шоирона нозик қалб эгаси жисмоний оғриқлардан кўркмайди. Юраги жароҳатлангандан кўра чаён чаққани унинг учун аълодир. Халқ мақоли эса шоир фикрларини равон ифодаланишига хизмат қилган.

Шоир нафақат бир мақол билан, балки мазмунан синоним мақолларни кетма-кет қўллаш билан ҳам ўз фикрларини исботлашга уринади. Бундан шоир халқ оғзаки ижодининг билимдони эканлиги янада ёрқинроқ аёнлашади. Масалан,

Лек шולי ичида ўсади курмак,

Нур ёнида соя тўкади савлат.

Олдиндан кечирим сўрайман андак,

Баъзиларин энди қилсам маломат...⁵ (“Нафс балоси”)

Шоир мақолларни юқоридагидек ўз нутқида қўллаб, китобхонга бевосита тақдим этибгина қолмай, балки кўчирма гап қолипида билвосита тарзида ҳам ифодалайди. Бунда мақолнинг исботи кўп синовдан ўтганлиги маълум бўлади. Масалан,

⁴ Нурматов Э. Соғиниш. – Тошкент, 1993. – Б. 67.

⁵ Ўша китоб.

*Кенгга кенг дунё демишлар, торга дунё тор эмиш,
Хаққи рост – зулматсифат ҳисларга тордирсан кўнгил.*⁶

Ёки мақоллар айнан ижодкор тилидан эмас, шеърларидаги образлари нутқида ҳам қўлланилган. Маснавийдан ўрин олган меҳнаткаш, ҳалол инсонлар тимсоли бўлган асаларининг пашшага мурожаатида қуйидаги мақол қўлланган. Бунда ҳикматнинг ўринлилиги, долзарблиги кўзга ташланади:

*Қанча-қанча қавминг ўлмиш ишламай, “роҳат”да еб,
Шул сабаб айтар: “Текин бир кун тешар томоқни” деб* (76-бет)

Демак, Эрмамат Нурматов ижодининг яна бир қирраси халқ мақолларидан турли композитцияларда ўринли фойдалана олишида намоён бўлади. Шу боис шоир шеърятини мақоллардан қонган назм деб баҳоласак, муболаға бўлмайди.

1.2. ЭРМАМАТ НУРМАТОВ ШЕЪРИЯТИДА ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Тилимизнинг бой имкониятлардан бири нутққа тайёр ҳолдаги бирликларни олиб кириш ҳисобланади. Бу турдаги бирликлар оғзаки ва вадий услуб доираларида фаол қўлланади. Шу боис ҳам бу турдаги бирликларда фикр ифодалашнинг кенг имкониятлари мавжуд. Шеърятда тилнинг тайёр қолипларидан фойдаланиш муаллифнинг туйғуларини баён этишидаги сўзга бўлган эҳтиёжини муносиб қондира олади. Бунини шоир Эрмамат Нурматов поэтикаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Маъноси бир лексемага тенг бўлгани боис иборалар сўзларнинг синономик қаторидан жой олади ва образли тасвир учун албатта фразеологизмни танлаш мақбулроқ ҳисобланади. Масалан, қуйида шоир *яқин*, *аҳил* сифатлари билан маънодош бўлган “*орадан қил ўтмас*” иборасини қўллашни жоиз топади:

Орадан қил ўтмас икки эл агар
Тўсатдан йўл берса хунхор ғанимга,
Жаҳолат ҳақман деб бўлса даъвогар

⁶ Нурматов Э. Девон. – Наманган, 1999. – Б. 39.

Ва оғрик югурса шунда танимга,

Илҳомим, ўзингга қанот тилайман. (“Оқ гулдаста” 86 бет)

Баъзан шоир шеърларида белгини ифодалаган иборалар ўзи боғланган от билан эмас, балки сифатларнинг отлашиш ҳодисаси каби от шаклида, у бажарган вазифада келади:

Ёшим ўтмоқда, эй оллоҳ, хушомаддан ўзинг асра,

Кўзи ёғлиққа қул бўлмоқ каби дарддан ўзинг асра. (“Оқ гулдаста” 161 бет)

Байтда инсоннинг *руҳий ҳолатини* акс этирувчи “*кўзини ёғ босган*” ибораси жўналиш келишиги шаклида тўлдирувчи вазифасини бажараётганини кўряпмиз. Худди шу ибора бошқа гап бўлаги функциясини ҳам бажариб келган ўринлар мавжуд:

Агар булбул ошён олиб, сайрар экан зоғлар,

Газанда маҳрига чўлмас, тушар бўлса боғу роғлар,

Қадок қўллар қолиб, тўрга чиқарканлар *кўзи ёғлар*,

Кетарми ҳеч қачон чанглар, юрак ўртар қаро доғлар,

Кўрарман барини албат асл маккор нафсингдан. (“Девон” 67 бет)

Ижодкор бу ифода орқали албатта лўнда ва образли тасвирга эришган.

Шоир турғун боғланмани ўз мурожатининг обектига ҳам айлантирди, яъни иборани ундалма вазифасида қўллади ва таъсирчан нутқ ярата олди:

Эгри қўл, топган молинг кайфин суриб ҳай-ҳайлама

Айтмагай бир кимса ҳам иймони бут, соғ рўбарў. (“Девон” 54-бет)

“*Эгри қўл*” ибораси **бирикма шаклида** бўлганли учун ҳам ундалма вазифасида келиш учун қулай ҳисобланади.

Иборалар феъл сўз туркуми билан ёндош маъно ҳосил қилиб, ҳаракат ифодасини тингловчига содда ва ёрқин ҳолатда етказилишида муҳим ўрин тутади:

Боши ёстиққа етаркан, топгани бўлди азоб,

Дўст бўлиб ҳолин сўрарга битта ҳамдам топмади. (“Оқ гулдаста” 133 бет)

Одамнинг *жисмоний ҳолатини* ифодаловчи “*боши ёстиққа етмоқ*” ибораси байтдан кўзланган мақсадни меъёрида юзага чиқарган.

Турғун боғланмалар кўпинча **гап ҳолида** шакллангани боис гапга хос бўлган хусусиятларни ўзида ифодалайди. Бу инверсия ҳодисаси орқали изоҳланади:

Иши маром билан кетса, *кулуб ё боқса омадлар*,

Ўшал макруҳ оғизларда захар таъмини тотдилар. (“Девон” 20 бет)

Иборанинг ички синтактик жойлашувида қисмлари ўрнининг ўзгарганига гувоҳи бўляпмиз. Бу албатта шеърий қолип талаби билан рўй бермоқда.

Баъзан эса шеъриятда муаллифнинг кучли ҳис-ҳаяжонини ифодалаш учун ибора таркибидаги сўзларга қўшимча кучайтирув воситалари қўшилади ва барқарор бирикмалар ўқувчининг янада кўпроқ эътиборини тортади. Бунда юкламаларнинг ўрни бекиёс:

Одам феъл-атвори хўп ажабтовур,

Ёқангни-да ушлаб қоласан ногоҳ. (“Оқ ва қора” 3 бет)

Ёки:

Қадим-қадим замонда битта шоир ўтибди,

Пичоққа-да соп бўлмас умр бўйи битгани. (“Оқ ва қора” 24 бет)

Шоир иборалар таркибига юкламалар киритибгина қолмай фразеологизм таркибида истиоравий тасвир яратишга ҳам ҳаракат қилади. Буни “*боши кўкка етмоқ*” ибораси мисолида кўришимиз мумкин:

Отам дуосидан *кўкка етди бош*

Волидам сўзидан тотдим бол тотин. (“Оқ ва қора” 12-бет)

Бунда ибора таркибан ўзгаришсиз қўлланган бўлса, қуйида худди шу иборадаги “*кўкка*” сўзини “*кўк тоқига*” дея қўллаш орқали ижодкор ўзининг муболағавий тасвирига эришган:

Шакардек суҳбатинг *бошимни кўк тоқига еткургай*,

Ўшал суҳбатда қилган аҳду паймон озмиди маҳбуб. (“Девон”. 9-бет)

Демак, маҳсус ўлчамларга эга бўлган шеъриятда ижодкор ўзи назарда тутган мазмунни ва шаклни яратиш учун иборалардан шунчаки фойдаланибгина қолмай, барқарор бирикмаларнинг турли қўлланилиш композитсияларини яратади.

ЭРМАМАТ НУРМАТОВНИНГ СЎЗ ҚЎЛЛАШ МАҲОРАТИ

2.1. –СИМОН ҚЎШИМЧАЛИ СЎЗЛАРНИНГ СЕМАНТИК

ХУСУСИЯТЛАРИ

Ясовчи *-симон* қўшимчаси от асосдан англашилган нарсага ўхшашликни билдирувчи ясама сифатларни ҳосил қилади. *-симон* ясовчиси бадиий услубга хосланган бўлиб, шеърӣ санъат ҳисобланмиш ташбеҳни юзага келтирувчи унсурдир. Ташбеҳ учун восита бўлиб хизмат қилувчи мазкур морфема ўхшашликни нимага асосланганлигига кўра семантик ҳар хиллик касб этади. Ўхшашлик қуйидагиларга кўра рўй бериши мумкин:

- а) шакл ўхшашлиги;
- б) овоз ўхшашлиги;
- в) ҳаракат ўхшашлиги;
- г) ҳолат ўхшашлиги;
- д) вазифа ўхшашлиги каби.

Буни шоир Эрмамат Нурматов ижодида кенг қўлланган от+*симон* модели сифатларда кузатамиз.

Рўпарамда кекса Тянь-шон,

Қомат керар паҳлавонсимон. (“Рўпарамда кекса Тянь-шон”)

мисраларида шоир тоғни паҳлавонга ўхшатади ва бу *шакл* мослиги асосида рўй беради. Баланд ва ҳайбатли табиат мўъжизаси бўлган Тянь-шон паҳлавоннинг кураш майдонида мағрур туришига қиёсланади. Табиатнинг жонсиз унсури тоғни паҳлавонга қиёслаш орқали унга *қомат кермоқ* ҳаракати мувофиқ қўлланмоқда ва жонлантириш санъати юзага чиқмоқда. Демак, бир предметни бошқасига шакл асосида ўхшатиш орқали улар ўртасида ҳаракат ўхшашлигини ҳам юзага келтирилмоқда.

Шоир *-симон* морфемаси ёрдамида бошқа табиат ҳодисиларини ҳам аниқ нарсаларга қиёслаб, китобхон кўз олдида тасвир объектини янада реал ифодалашга эришади.

Бир ўринда шоир қора тунда тез-тез яшин чақишини ботирнинг қўлидаги шамширга қиёс этади:

Қулоқ битди гумбир-гумбирдан тамом,

Гўёки йиқилди улкан теракзор.

*Яшин кўчди ботир **шамширисимон***

Булутли осмонда такрору такрор. (“Момақалдиروق”)

Бу тасвирда ҳам *шакл*, *кўриниш* асос қилиб олинган.

Зукко шоир томонидан *-симон* воситасида *овоз* ўхшашалиги асосидаги ташбеҳлар ҳам яратилган:

Ғаддор ғаним қаддин қилиб паст,

*Саси янғрар **нағраларсимон**...* (“Бахт”)

Табиатга ошиқ қалб эгаси бўлган шоир кўкдаги булутларнинг майин ҳаракатини каптарларнинг дон талашиб юришига қиёслайди. Натижада *-симон* морфемаси ёрдамида *ҳаракат* ўхшашлиги юзага келтирилган:

Тонг ҳам отди. Кўкиш осмон

Нур селини шимирди.

*Оқ булутлар **каптарсимон***

“Дон” талашиб югурди. (“Булутлар”)

Инсон руҳиятини теран англаган ижодкор юракдан қайғунинг чекиниш ҳолатини тонг отиб, қора туннинг йўқ бўлиб кетишига қиёслайди:

Кўзларим ўнгида олам чарогон,

Юракда жўшади оппоқ туйғулар.

*Тонг нури тўзғитган қора **тунсимон***

Олис-олисларга кетар қайғулар... (“Яхшилик”)

Асосга қўшилган *-симон* морфемаси муаллифнинг ички ҳолатини табиатда рўй берадиган ҳодисага ўхшатиш учун хизмат қилган. Шу орқали *ҳолат* ўхшашалиги асосидаги ташбеҳ намунаси яратилган.

-симон ясовчиси ёрдамида ҳосил қилинган яна шундай тасвирларга дуч келамизки, бунда шакл ва ҳолат ўхшашалиги бир ўринда, бир вақтда намоён бўлади:

Хуснин кўз-кўз қилар ҳамон ўтлоқлар,

Шабнам ялтирайди жавоҳирсимон. (“Осуда далада”)

Шоир шабнамнинг ялтираб турган ҳолатини жавоҳирнинг товланишига қиёс қила туриб, унинг шаклий ўхшашалигига ҳам ишора қилмоқда.

Қўшимчанинг нима асосдаги ўхшатишни юзага чиқараётганлиги кўпинча контекстан маълум бўлади. Масалан,

Яқин кишимизни сўнгги йўл томон

Кузатар эканмиз, ўзингиз ҳамдард.

Шунда ҳам таянчсиз, улкан тоғсимон

Қалбингиздан олурмиз сабр-қаноат. (“Табаррук боболар”)

Муайян нарса-ходиса бошқасига ўхшатилганда бу қиёслаш унинг қайси томонига нисбатан рўй бераётганлигини фарқлаш ташбиҳнинг мазмунини англашга хизмат қилади. Агар *тоғсимон* сифатини матндан ташқарида таҳлил қилсак, фақатгина баланд, нотекис қумликлардан иборат нарса шаклидаги предмет кўз олдимизга келар эди.

Тилдаги кичик элемент (у бир қўшимқа бўлса ҳам) бадиий нутқда ранг-баранг бадиий-услубий вазифаларни бажариши мумкин.

2.2. ЭРМАМАТ НУРМАТОВНИНГ ТАСВИРИЙ ИФОДА ЯРАТИШ МАҲОРАТИ

Тасвирий ифодалар инсоннинг образли фикрлаши маҳсули сабабли яратилган ва улар нутқда ўзининг қимматли ва мўжаз ўрнига эга. Предметнинг ўз номидан кўра унинг тасвирий, яъни хаёлда чизилган номини қўллаш шеърятда фаол кўзга ташланади. Ижодкорлар нафақат тайёр тасвирий ифодалардан фойдаланади, балки ўз тафаккур кўлампидан келиб чиқиб янгиларини ҳам яратишга ҳаракат қилади. Шоир Эрмамат Нурматов ҳам бу хусусиятдан йироқ эмас.

Шоир яратган тасвирий ифодалар турли кўринишларда шеър мисраларида учрайди. Кўп ўринларда тасвирий ифода ва у англатган сўз ёнма ён, баъзан эса

тасвирий ифода якка ҳолатда акс этган. Шоир ўзи яратган тасвирий ифоданинг ўқувчига тушунарсиз бўлиб қолиши мумкинлигидан шундай йўл тутган. Масалан,

Пардасин босишни билмайди ҳеч ким,

Лек тўрдан жой олди пианино ҳам.

Таратиб туради жаннатий насим

Ҳовли фариштаси – фаввора там-там. (“Оқ ва қора”. 30 бет)

Фавворадаги сувнинг ҳар хил жилвалари шоир тасаввурида фаришта тимсолини уйғотган ва муаллиф “*ҳовли фариштаси*” дея фавворага янги ном қўйган.

Шоир шеърларига олиб кирган тасвирий ифодаларни ўз китобхонига тушунарли бўлишига ишонсагина сўнг ёлғиз ҳолатда қўллаган. Масалан, булутларни шоир “*уфқ болиши*” дея атайди ва бунга изох бермайди:

Қадди баланд тепаликнинг устида

Кузатаман далалар уйғонишин.

Қуёш яна олам сайри қасдида

Кўкка чиқар, ташлаб *уфқ болишин*. (“Оқ гулдаста” 32 бет)

Одатда тасвирий ифодалар икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда предметнинг ўзи билан мазмунан уйғун сўз қўлланса, иккинчи қисмида қайсидир жиҳати билан ўхшатиш нарса ифодаланади. “*Уфқ болиши*” тасвирий ифодасидаги *уфқ* сўзи *булут* сўзи билан бир семантик уяга бирлаша олади, лекин болиш лексемаси *форсча ёстик*⁷ деган маънони англатади. Болиш ва булут сўзлари ўртасида шакл, ранг, хусусият белгилариаро умумийлик бўлганлиги боис тасвирий ифода ишонарли тарзда юзага келган.

Табиатсевар шоир атрофидаги ҳар бир ҳодисани ўзгача тасвирлашга ҳаракат қилган. Уйғониш фасли бўлган келинчак баҳорни ижодкор “*олам пайкари*” дея эътироф қилади:

Нигоҳим сочилмиш дераза сари,

Авжига чиқади ёмғир қўшиғи...

⁷ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 1-ж., 308-б

Мен бугун қишнингмас, *олам пайкари* –

Баҳорнинг вафодор, интиқ ошиғи... (“Соғиниш” 25 бет)

Пайкар сўзининг *жусса, вужуд, сурат, юз, жамол*⁸ деган маънолари бўлиб, шоир жамол семасини назарда тутган ҳолатда тасвирий ифода яратади.

Табиатдаги ҳар бир ҳаракатланаётган нарса шоир назаридан четда қолмайди. Лочин қушини ижодкор “*кўк шоҳи*” дея номлаш орқали яна бир янги тасвирий ифодани ҳосил қилади:

Ҳаёт деб кўз очган жажжи чақалок

Улғая, улғая тапинар нурга.

Гиёҳ ҳам, *кўк шоҳи* – лочин ҳам ҳар чок

Ёруғлик бағрида қонар ҳузурга! (“Муҳаббат боғи” 34 бет)

Шоир фақат табиат ҳодисаларининг эмас, балки айрим мавҳум тушунчаларнинг ҳам сўз орқали тасвирини яратишга ҳаракат қилган. Бунда ифодаланаётган сўзга муалллифнинг эмотсионал муносабати акс этади:

Эвоҳ, у шуҳрат деб аталмиш

Ёсуман касалга чалинди.

Минбарга талпинмоқ – бол ташвиш,

Мақтовларга интизор энди.. (“Муҳаббат боғи” 82 бет)

Шоир шуҳрат, манманликни сеҳрловчи, оғритмайдиган хасталик деб билади ва “*ёсуман касал*” деб янги ном қўллайди. Ёсуман форсча хушбўй, оқ, сариқ, мовий тўп гулли манзарали бута. Кўчма маъноси хийлагар, маккор аёл⁹ бўлиб, шоир тасвирий ифодасининг ҳар икки сўзи кўчма маънода қўлланмоқда. Бу тасвирий ифода бошқаларидан фарқли ўлароқ *мослашувли* эмас *битишувли бирикма* ҳолида шаклланган.

Тасвирий ифода яратиш учун албатта ижодкор предмет ва янги ном ўртасидаги семантик боғланишни таъминлаши керак. Шоир Эрмамат Нурматовнинг *сўзларни тўлқинлар малаги* дея атаганида ҳам бунинг уддасидан

⁸ Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. . – Тошкент: Фан, 1983. – 2-ж., -б

⁹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 1-ж., 49-б.

чиқа олган. Сўз – инсон ҳиссиётларининг тилмочи, ифодачиси. Шу боисдан шоир сўзни кучли тўлқиндек жўшаётган туйғуларнинг малагига қиёслайди:

Тўлқинлар малаги – сўзлар, ажабо,

Қон янглиғ силқирди юрак тубидан.

Андух парвозига эрк берса гоҳо,

Гоҳо қалдирғочнинг нағмасидай шаън... (“Фарёд” 4 бет)

Тилимизнинг бой имкониятларидан бири бўлган тасвирий ифодалар ижод жараёнида жуда муҳим ўрин тутишини бир неча намуналар орқали кўриб ўтдик. Ижодкорлар сўзнинг бекиёс қудрати боис кўрган нарсаларини шундай тасвирлаши мумкинки, ўша предмет кўрганимиздан ҳам аълороқ ифодаланади.

2.3. ЭРМАМАТ НУРМАТОВ ШЕЪРИЯТИДА ХАЛҚОНА БЎЁҚҚА ЭГА СЎЗЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Халқоналик ижодкорнинг сўз қўллашида, ифодалаётган фикрларида, тасвирлаётган манзарасида бўй кўрсатади. Ҳар бир шоир учун шеър маълум ўлчамларга солинган нутқ бўлибгина қолмай, ўжар туйғуларининг мўжаз баёни. Шу боис шоир ижод жараёнида ўз ҳиссиётларини илмий ҳақиқатга ҳам, қолаверса, халқ ҳаётигага ҳам уйғун тарзда ифодалайди. Узоқ йиллар давомида одамлар нутқидан тушмай келаётган сўзлар, халқ турмушда фойдаланиб келинаётган предметметлар ижод аҳллари учун асосий тасвир манбаси ҳисобланади. Эрмамат Нурматов шеъриятининг энг маҳсулдор лексик хусусиятларидан бири ҳам айнан шундай халқона ифодадир.

ШОИР ШЕЪРЛАРИНИНГ СИНТАКТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

3.1. ЭРМАМАТ НУРМАТОВНИНГ УНДАЛМАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МАҲОРАТИ

Эрмамат Нурматов ўз ижодида мурожаатларга, ундалмаларга салмоқли ўрин беради. Муаллиф ҳамда мурожаат қилинаётган объект ўртасидаги

суҳбатга бевосита ўқувчи ҳам кириша бошлайди. Ижодкорнинг бу усули шеърларининг жонлилигини ҳам таъминлаб берган. Шоир мурожаатлари инсонга, ўрин-жойга, абстракт предметларга, аниқ нарсаларга қаратилган. Буларнинг ичидан энг кўп мурожаат қилингани мавҳум отлардир. Ҳатто шоирнинг шеърлари саҳифаларида ҳам мавҳум от билан ифодаланган ундалмаларни кўришимиз мумкин: “Қалбим, яраланма”, “Кечиргил, эй тарих”, “Кел, эй Наврўз!” каби.

Шоир мурожаат қилаётган мавҳум отлар ўз абстрактлик даражасига кўра фарқ қилади. Масалан,

***Қалбим**, яраланма ҳаётда зинҳор,*

Булут ўрламасин тиниқ кўксингга.

Мудом ҳасад тошин отувчилар бор,

Бирига ёқмассан, ёқсанг-да мингга! (Қалбим, яраланма)

мисраларидаги қалбга қилинаётган мурожаатнинг таъсири кучли, чунки қалбда мавҳумлик бўёғи *Наврўз* ва *тарих*никидан кўра куюқроқ. Аммо қалб лексемаси *юрак* билан синоним бўлганлиги учун уни тасаввур қилиш мумкин. Шунинг учун ҳам қалб сўзидаги мавҳумлик *илҳом* лексемасига нисбатан биров куйи даражада. Масалан,

***Илҳомим**, ўзингга қанот тилайман,*

Эзгулик қонуни чаппа айланса:

Тарк этиб шуурни ё нурни баъзан

Одамлар зулумот сари шайланса,

***Илҳомим**, ўзингга қанот тилайман!* (Илҳомга)

Илҳомни ҳам хаёлда гавдалантириш мумкин, сабаби унинг маҳсулини кўрса бўлади. Фақатгина ҳис қилиш мумкин бўлган мавҳум отлар ҳам борки, шоир ижодида шундай отларга қилинган мурожаатларни-да кузатамиз. Масалан,

*Эй **фахр**, хобингдан бош кўтар,*

Лочиндай кўкларга қанот қоқ. (Фахриёна)

Фахр сўзида мавхумлик *тарих, Наврўз, қалб, илҳом* лексемаларига нисбатан юқори деб баҳолаш мумкин. Чунки уни фақат юракдан туйиш мумкин.

Эрмамат Нурматов бундай ифода усули орқали ўз шеърларида апострофанинг гўзал намуналарини яратди.

Апострофа (юн. apostroph – бир томон оғиш) – нарса ёки ходисага худди жонли мавжудотга каби мурожаат этиш асосида юзага келувчи стилистик фигура.¹⁰ Ушбу фигурадан фойдаланиш жараёнида ғойибона метафораларнинг бетакрор кўринишлари ҳам яратилади. Масалан, қалбга яраланма дейиш орқали шоир яраланиш ҳолати қалбга хос эканлигига, илҳомга қанот тилаш билан унинг учиш ҳаракатига эга эканлигига ҳам ишора қилмоқда. *Фахр* сўзига қарата *хобингдан бош кўтар* дейилмоқда. **Хоб** – *уйқу, ухлаш; туш, туш кўриш* демакдир.¹¹ *Фахр* туйғусига нисбатан уйқудан тур дейиш воситасида эса шоир ухлаш ҳолатини *фахр* сўзига алоқадор қилиб қўймоқда, яъни метафорага қилинган нозик имо сезилмоқда.

Шоир ижодида шундай шеърлар учрайдики, уларда сарлавҳага қўйилган абстракт отга бутун шеър давомида мурожаат қилинади, яъни ундалмалар ифодаланмайди, шеър номидан англашилиб туради. Бу шаклда қилинган мурожаатнинг таъсири янада кучли бўлади. Масалан,

Бу хушнуд онимга сабабчи ўзинг,

Эй она меҳридай бокирагинам.

Сен – доим авайлаб юргувчи кўзим,

Сен ғубор қўнмаган субуҳий шабнам... (Яхшилик)

Шоир қалби доимо яхшиликларга доялик қилгани учун ҳаётидаги барча ёруғ кунлар сабабчиси деб, ҳатто музни-да эрита оладиган даражада қайноқ бўлган она меҳрига тенг тушунча деб яхшиликни билади. Яхшиликни шоир кўз қорачиғидек асрайдиган тонгги шабнамга қиёс этади.

¹⁰ Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Академнашр, 2010. – Б.32.

¹¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 4-ж., 403-б.

Мурожаат қилинаётган мавҳум отларни такрор қўллаш ҳам таъсирчан ифода яратишнинг унумдор усули ҳисобланади.

Лирика, лирика, эй сирли елкан,

Ҳислар денгизига сурдинг мени ҳам! (Лирика)

каби. Мисралардаги *елкан, денгиз* уядош сўзлари таносуб санъатини юзага келтирмоқда. Шоирнинг эркалаб қилаётган такрори иложсиз истакдан, шеърият чоғиридан маст бўлганидан дарак бериб турибди.

Шоир мурожаат қилаётган мавҳум ходисаларни инсонга хос бўлган белгилар, ҳаракатлар билан бирга қўллаш орқали энг баланд эмотсияга эга бўлган ундалмаларни яратди:

Ҳорғин армонларим, бир онга чекин,

Умидга ўрин бер, мудраган андуҳ. (Хотима)

Кўриб ўтганимиздек, шоир жавлон уравериб, сўнг ҳорғин ҳолатга келиб қолган ва мудраётган армонларини, андуҳларини юрагидан супуриб ташламоқчи, сўнг у ерда умид ниҳолларини экмоқчи. Бунинг учун шоир яна кўз билан кўриб бўлмайдиган, қўл билан ушлаб бўлмайдиган туйғуларга мурожаат қилмоқда. Бу инжа ҳолатга эса шоир Эрмамат Нурматов ижодида жуда кўп ўринда дуч келамиз.

Демак, шеъриятда ундалмаларнинг ўрни беқиёс. Ундан қандай фойдаланиш, қайси усулда мурожаатларнинг таъсирини ошира олиш эса ҳар бир ижодкорнинг лисоний маҳоратига, бадиий иқтидорига боғлиқ.

Аннотация

Шеърят майдонида ҳар бир шоир ўзининг бетакрор усули билан бўй кўрсатади. Жумладан, шоир Эрмамат Нурматов шеъриятида ҳам ана шундай жиҳатни кўрамиз. Шоир илҳом селидан қуйилаётган мисраларини халқ мақоллари билан бойитишга ҳаракат қилган. Халқ оғзаки ижодининг сермаъно жанри – мақолларни шеър вазни қолипига ва мазмун мундарижасига солиш ижодкордан лисоний ҳамда бадий маҳоратни талаб қилади. Узоқ йиллар давомида халқ хотирасида сақланиб қолган мақолларни ёзма адабиёт, хусусан, шеърятга олиб кириш шоирдан бир қанча ана шундай ўзгаришларни талаб қилди. мақоллар айнан ижодкор тилидан эмас, шеърларидаги образлари нутқида ҳам қўлланилган. . Шеърятда тилнинг тайёр қолипларидан фойдаланиш муаллифнинг туйғуларини баён этишидаги сўзга бўлган эҳтиёжини муносиб қондира олади. Буни шоир Эрмамат Нурматов поэтикаси мисолида ҳам кўриш мумкин.